

## ШАРТНОМА № 7

(озиқ овқат махсулотлари ва товар моддий бойликлар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш хақида)

5-январь 2022 йил

Багдод тумани

Икки томонлама хужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "FATXUL ZIROAT CHORVASI" МЧЖ (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари Э.Матисаев биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи **Мактабгача таълм бўлими номидан раҳбари в.в.б О.Зияева** (келгусида «Харидор» деб аталади) урталарида кўйидаги мақсадларда тузилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» шартноманинг 1,2.бандида кўрсатилган махсулотларни белгиланган муддатларда «Харидор» га сотишни, «Харидор» махсулотни қабул қилишни ва хақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. «Сотувчи» жадвалда кўрсатилган кўйидаги махсулотларни «Харидор» га сотишни ўз зиммасига олади.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Махсулот қиймати	KKC	Сумма
1	Ёғли сут	литр	8850	4200	37170000		37170000
	Жами;						37170000

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси **37170000** (ўттиз етти миллион бир юз етмиш минг ) сўмни ташкил этди.

### 2. ТАРАФЛАРНИ ХУКУЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

#### 2.1. «Сотувчи»нинг хукуқлари:

- Ушбу шартномани 6.2 бандида кўрсатилган муддуатларда хисоб китоблар амалга оширилишини «Харидор» дан талаб қилишга;
- «Харидор» шартнома шартларини бузган холда махсулотни қабул килмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, «Сотувчи» шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- «Харидор» томонидан махсулот учун хисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга хақлидир;
- «Харидор» шартномани 6.2 бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса. «Сотувчи» махсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан кўрилган зарарни «Харидор» дан талаб қилишга хақлидир;

#### 2.2 «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган махсулотни «Харидор» томонидан берилган буюртмада кўрсатилган микдорда ва муддатларда ўзига тегишли бўлган омборидан бериш; (сотиш).
- Етказиб берилаётган махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос келишини таъминлаш;
- «Харидор» га етказиб берган хар кунги махсулоти учун 2 нусхада хисоб фактура тақдим қилиб борилади ва ой якунида тўлиқ етказиб берилган махсулоти учун МТБ марказий хисоб хонасига якуний хисоб фактура тақдим этиши лозим;
- Махсулотга тўлов ёки товар транспорт хужжатларини махсулот қабул қилинган куни расмийлаштириб бериш;
- «Сотувчи» махсулотни етказиб беролмай қолган қисмини ушбу холат аниқлангандан кейин 10 кун ичida етказиб бериш лозим;
- Агар «Сотувчи» шартномани 1.2.бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, **2022 йил 20 январгача** «Харидор»га сабабларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш;
- Махсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган холатларда, «Харидор»га тўланган маблағлар бўйича карздорликни қоплаш;

#### 2.3. «Харидор»; нинг хукуклари

Махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос келишини «Сотувчи»дан талаб қилиш; «Сотувчи»дан ушбу шартномада кўрсатилган махсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;

Зарур сифатга мувофиқ бўлмаган махсулот етказиб берилганда «Харидор» ўз хошишига кўра «Сотувчи»га махсулотни кайтариш;

Зарур сифатидаги махсулотни «Сотувчи» ўз хисобидан Харидорга қайта етказиш;

Муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган холда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни рад этиш.

«Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани талаб қилишга хақлидир.

#### **2.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:**

а) Махсулот қабул килиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда махсулот учун тегишли хақни олдиндан 30% микдорида тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% микдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

### **3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

3.1 Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

3.2 Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул еки бошка моддий қийматликлар олиннишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар кўради.

3.3 Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга хилоф равища тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш максадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равища олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиной фаолиятдаи олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлиигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

3.4 Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказиша, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб борища, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларниг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги харакатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий харакатларга йўл кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги хақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширгай хизматлари учун белгиланган хақ микдоридан асоссиз

равища ортиқча түловларни амалга оширасли.

3.5 Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хақида хабар берилганлиги учун уларга тазийқ ўтказилмаслигини кафолатладилар.

3.6 Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари хақида хабардор қиммаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга хамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хакли.

#### **4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун хужжатлари талабларга мувофик зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган даб хисобланади;

4.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги махсулотни қабул қилиш бўйича якуний хужжатлар тузилган сана «Сотувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

Якуний хисоб китобларни тўлов хужжатидаги банк муассасасидаги штампида кўрсатилган сана махсулотга хак тўлаш бўйича «Харидор» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

4.3. Олинадиган туркумдаги махсулот учун тегишли бўлган хак «Сотувчи»нинг банк хисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, «Сотувчи» томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги махсулотни «Харидор»га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

4.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги махсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

4.5. Махсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ходими «Харидор»да келадиган нусхага санани кўрсатган холда у қабул қилганлиги хақида белги қўяди.

«Харидор» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд махсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хаклидир, бу хакда «Сотувчи»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қиласи.

4.6. «Харидор» махсулотни қабул қилишда, уни сони ва сифатини жойида кўриши шарт, махсулот қабул қилиниб юклашгандан кейин, унинг сақланишига «Харидор»нинг ўзи жавоб беради.

#### **5. МАХСУЛОТ СИФАТИ.**

5.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган махсулотни сифати ГОСТ, ТШ талабларига жавоб беринши таъминлади, махсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

5.2. Махсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик Харидор зиммасига ўтади.

#### **6. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Махсулот учун хисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.2. Махсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида «Сотувчи», «Харидор»ни ёзма равища хабардор қилгандан сунг «Харидор» етказиб бериладиган туркум махсулот баҳосини 30% миқдорда олдиндан хақини тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

6.3. Агар етказиб берилаётган махсулотга (хом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва хокозо) кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган холларда, ушбу махсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

#### **7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

7.1. Махсулот бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги, тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун «Сотувчи», «Харидор»га кечиктирилган хар бир мажбурият бажарилмаган қисмини 0.5% миқдорида пеня тўлайди, бунда умумий суммаси етказиб берилмаган махсулот суммасининг 50%дан ошмаслиги лозим.

7.2. Махсулот сифати ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулот етказиб берилганли учун «Сотувчи» «Харидор» га ушбу махсулот баҳосининг 5% микдорда жарима тўлади.

7.3. Бут бўлмаган махсулот етказиб берилгинлиги учун «Сотувчи» «Харидор» га етишмайтга қисмлари кийматини қўшган холда, бут бўлмаган махсулот қийматининг 20% микдорида жарима тўлади.

7.4. Етказиб берилган махсулот танлаб олмаганлиги ёки танлаб олишни асоссиз рад этганилиги учун «Харидор» «Сотувчи» га танлаб олинмаган махсулот баҳосининг 5% микдорида тез бузиладиган махсулот учун эса 10% микдорда жарима тўлади.

7.5. Шартномада кўрсатилган махсулот учун вактида хисоб-китобни амалга оширганлик учун «Харидор» «Сотувчи» га ўтказиб юборган хар бир кун учун тўлов суммасининг 0.4% микдорда пена тўлади бунда пена суммасини кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

## 8.ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Тарафлардан бири шартномани енгib бўлмайдиган куч, яни фавқулотда ва муайян шароитлард олдини олиб бўлмайдиган ғазиятлар (зилзила, курғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табии оғатлар ва хоказо) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлигини (форс мажор холатини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 9.НИЗОЛАР ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани бажарилиш тартиби юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликла томонларнинг ўзаро келишуви асосида хал этилади.

9.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган низолар хўжалик суди томонидан хал қилинади.

## 10.ШАРТНОМАНИ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

10.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг муддати 2022 йил 31 декабргача тўла ижро этулгунга қадар амалда бўлади.

10.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади ва хар иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади. Газначилик бошқармаси (бўлинма) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

#### “FATXUL ZIROAT CHORVASI” МЧЖ

Багдод тумани Самарқанд қишлоғи

X/p: 20208000705309442001

Банк. Халк банк Багдод филиал

МФО: 00794 ИНН: 307924205

Телефакс:



Рахбар: Э.Матисаев

### «ХАРИДОР»

Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлими

Бағдод тумани

Шx/p:1000228603020970911002510038

СТИР:305153881 Оконх:

Молия Вазирлиги Газначилиги ягона

Газна хисоб вараги МФО 00014

X/P 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент в.ХКММ

Газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар:



О.Зияева

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi – Shartnoma.**

**2.Loyihaning nomi-** Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lif bo'limi bilan “**FATXUL ZIROAT CHORVASI**” МЧЖ о'rtasida oziq-ovqat mahsulotlari va tovar moddiy boyliklar, xom-ashyo va materiallar sotib olish haqida.

**3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 12 yanvar kuni elektron tizim orqali taqdim etilgan.

Taqdim etilgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonuni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 25 iyuldag'i 626-sun Qarori bilan tasdiqlangan “Davlat maktabgacha ta'lif tashkilotlarida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish tartibi to'g'risida” gi Nizomning 36-bandni 2-qismi talablariga muvofiq tuzilgan.

**Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**

R.Umarov

